

4. Орлова И.В. *Экономико-математические методы и модели. Практикум: Учеб. пособие для вузов.* - М.: Финстатинформ, 2000. - 304.

5. Орлов А.И. *Устойчивость в социально-экономических моделях.* - М.: Наука, 2001. - 296 с.

6. Алимханова Н. А. *THEORETICAL FOUNDATIONS OF INVENTORY AUDIT.* – 2025.

7. Алимханова, Нигора Алимхановна. *"THEORETICAL FOUNDATIONS OF INVENTORY AUDIT."* (2025).

КОРХОНАЛАРДА ҚАРЗ МАБЛАҒЛАРИНИ ЖАЛБ ЭТИШНИНГ ТАШКИЛИЙ ЖИХАТЛАРИ

Жумаев Самариддин Зиядуллаевич

Термиз давлат университети мустақил изланувчиси

Ҳозирги глобал иқтисодиёт шароитида фақатгина ўзини ўзи молиялаштириш орқали фаолиятни юритиш ва уни ташкил этиш кескин рақобат муҳитида корпоратив тузилмалар муваффақиятини ҳар доим ҳам кафолатламайди. Шунинг учун ҳам иқтисодий-ижтимоий шарт-шароитдан келиб чиқиб, ташқи ва ички қарз маблағларини жалб этиш орқали молиялаштириш амалиётига мурожаат қилишга ҳам тўғри келади.

Қарз маблағларини жалб қилишдан асосий мақсадлар сифатида фаолиятни кенгайтириш, модернизация қилиш, фаолият билан боғлиқ технологияларни янгилаш ҳамда айланма маблағларни тўлдириш кабиларни келтириш мумкин.

Қарз орқали молиялаштириш корпоратив молиялаштириш тизимида муҳим ўрин тутди. Корхоналарнинг молиявий эҳтиёжларини қондиришда қарз ресурслари ўзининг қулайликлари билан ажралиб туради. Бунда қарз турлари (қисқа муддатли, ўрта муддатли ва узоқ муддатли), уларнинг манбалари (банк кредитлари, облигациялар, лизинг ва ҳ.к.) ва уларнинг молиявий стратегиядаги ўрни ўрганилади.

Корхоналарда қарз маблағларини жалб этиш жараёнида молиявий режалаштириш, кредит лаёқатини баҳолаш, капитал тузилмасини оптималлаштириш, қарз шартномаларини тузиш ва назорат қилиш каби муҳим ташкил этиш жараёнларини амалга оширади.

Қарз орқали молиялаштириш компанияга тезроқ ривожланишга имконият яратибгина ққолмай, солиқ юкларини камайтиради, аммо қарзнинг ортиши молиявий хавфларни оширади ва кредит рейтингига салбий таъсир кўрсатади.

Корхоналар молиявий таъминотини яхшилаш ва ўзлари ишлаб чиқариш фаолияти ҳамда лойиҳаларини молиялаштиришда ички манбалар (ишлаб чиқаришдан тушумлар, оммавий акциялар ва бошқалар) ва ташқи манбалар (банк кредитлари, облигациялар ва бошқалар)ни самарали бирлаштириши лозим.

Қарз стратегияси – корхоналарнинг молиявий мақсадлари, бозор шароитлари ва капитал бозорига кириш имкониятларига қараб узоқ муддат учун шакллантирилади. Стратегияда асосан қарзнинг миқдори, муддати, фоиз ставкалари ва қоплаш усулларига эътибор берилади.

Қарз маблағларини жалб этиш корхоналарга ўз фаолиятини кенгайтириш, инвестицияларни молиялаштириш ва ишлаб чиқариш имкониятларини оширишга ёрдам беради. Самарали молиялаштириш учун ички ва ташқи қарз воситаларининг мувозанатини сақлаш муҳим, бу молиявий барқарорлик ва хавфларни камайтиради. Корхоналар молиявий режалаштиришни такомиллаштиришлари ва кредитбопликни тўғри баҳолашлари зарур, бу қарзларнинг ўз вақтида қайтарилишини таъминлайди.

Қарз стратегиясининг тўғри шакллантирилиши компаниянинг узоқ муддатли ривожланиши ва инвестиция фаоллигини оширишда муҳим омилдир. Молиявий бошқарув тизимида қарз маблағларининг самарали жамланиши, сарфланиши ва назорати компаниянинг иқтисодий натижаларини яхшилайдди. Шунинг учун қарз ва ўз капиталининг мувозанатини топиш муҳим ҳисобланади.

Корпоратив тузилмаларни бевосита фаолиятини ривожлантириш ҳамда фаолият узлуксизлигини таъминлашда қарз маблағлари жалб этилади. Корпоратив тузилмаларни қарз маблағлари ҳисобига молиялаштиришда қуйидаги муҳим принципларга амал қилиш лозим:

- қарз маблағлари мақсадли бўлиши;
- маълум гаров мулки билан таъминланган бўлиши;
- тўловга қобилиятли бўлиши;
- қарз мажбуриятини ўз вақтида қайтариш ва муддатлилик;

Мақсадлилик принципи бу қарз бериш амалиёти бевосита аниқ мақсад мавжуд бўлган ҳолатдагина амал қилишини назарда тутлади. Ваҳоланки, қарз маблағларини берувчи кредиторлар биринчи навбатда маблағ жалб қилиш учун қўйилган мақсаднинг аниқлиги, шаффофлиги масаласига эътибор қаратади. Агарда қўйилаётган мақсад ноаниқ бўлса ёки иқтисодий шароитга жавоб бермаса, аниқ мақсадга эга кредитор бу таклифни рад этади. Бунга сабаб сифатида кредитор корпоратив тузилмага (умуман, ҳар қандай кредит олувчига) қарз маблағи тақдим этишдан манфаатдор эканлигини келтиришимиз мумкин.

Маълум гаров мулки билан таъминланган бўлиши принципи кредиторнинг мажбурий шарти сифатида қараш мумкин. Бунда қарз тақдим этиш жараёнида кредитор кредит рискинни камайтириш мақсадида ўз фаолиятини қарз маблағлари ҳисобига молиялаштирмоқчи бўлган субъектдан маълум бир таъминот (гаров, учинчи шахс кафиллиги ва ҳоказо) талаб қилади. Айнан шу жиҳатга қарз маблағлари ҳисобига молиялаштиришнинг навбатдаги муҳим принципи сифатида қаралади.

Қарз мажбуриятини ўз вақтида қайтариш ва муддатлилик принципи қарздор томонидан олинган асосий қарз суммасини белгиланган муддатда тўлиқ қоплаш мажбуриятини ўзида акс эттиради. Шундан келиб чиққан ҳолда қарз маблағларини қайтариш муддатидан келиб чиққан ҳолда корпоратив тузилмалар томонидан пул оқимларини режалаштириш талаб этилади. Акс ҳолда қўшимча мажбуриятлар юзага келишига сабаб бўлади. Шунингдек, қарз маблағлари ҳисобига молиялаштиришнинг аниқ муддати асосида амал қилишини назарда тутган ҳолда, муддат ниҳоясига етиши билан олинган қарз маблағларининг кредиторга қайтарилиши шартлигини ўзида ифодалайди.

Қарз ва хусусий капитал фондларининг асосий хусусиятларини қуйидаги жадвалда кўрсатиб берилган.

1-жадвал

Қарз ва хусусий капитал фондларининг асосий хусусиятлари

Кўрсаткичлар	Қарз фондлари	Хусусий капитал фондлари
Хавф профили	Пастроқ	Юқори
Қайтиш потенциали	Паст (асосан фоиз тўловлари)	Юқори (асосан инвестицияларнинг ўсиши)
Назорат/таъсир	Бошқарув ва стратегик қарорларга бевосита таъсир кўрсатмаслик билан чегараланган.	Бошқарув ва стратегик қарорлар қабул қилишда фаол ролга эга
Ликвидлик	Қисқа муддатли, камроқ ликвидлик	Узоқ муддатли, юқори ликвидлик
Фонднинг ишлаш муддати	10-30 йил, инвесторлар учун муддатлар	10-12 йил
Чиқишлар	Кредитларни тўлаш муддати	IPO, сотиш ва бошқалар орқали келишилган чиқишлар.

Қарз маблағлари ҳисобига молиялаштириш орқали пул маблағларини жалб этиш шаклидан фойдаланиш бевосита молия бозоридаги ҳолат, капитал баҳоси, тармоқ хусусиятлари ва фаолият тури, бизнес юритишнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, корпоратив тузилманинг молиявий-иқтисодий ҳолати кабиларга бевосита боғлиқ бўлади.

Замонавий иқтисодиётда рақобат кучайиб бораётган ва технологик янгилашни талаб этилаётган шароитда корхоналарнинг барқарор фаолият юритиши ва ривожланиши учун етарли молиявий манбаларга эга бўлиши жуда муҳимдир. Бундай манбалардан бири — қарз маблағларидир. Корпоратив тузилмалар томонидан қарз маблағларининг турли инструментлардан фойдаланиш даражаси ошиб бормоқда.

Корхоналарда қарз маблағларини жалб қилишда стратегик ёндашув мавжуд бўлиб, ички ва ташқи манбалардан фойдаланилган, айланма маблағлар билан бир қаторда инвестицион фаолликка ҳам катта эътибор берилган. Тармоқдаги корхоналар учун валютадаги қарзлар бўйича валюта рискларни бошқариш механизмлари ишлаб чиқилиши зарур бўлади. Чунки келгусида миллий валютадаги ўзгаришлар қайтариш қобилиятига таъсир кўрсатиши мумкин.

Ҳулоса қилганда, ҳозирги иқтисодий шароитда корхоналарда қарз маблағларни жалб этмасдан молиявий бошқарув тизими, маҳсулот ишлаб чиқариш узлуксизлиги ва ресурслар билан таъминланганлик даражасини бир маромда олиб бориш мушқил.

Қарз маблағлари корхоналарнинг молиявий барқарорлигини сақлаш ва ривожланишини таъминлашда унинг келгуси стратегияларини амалга оширишда муҳим молиялаштириш манбаи ҳисобланади. Кимё саноати корхоналари мисолида кўриниб турибдики, йирик саноат корхоналари айланма маблағларни тўлдириш ва инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш учун қарз ресурсларини фаол жалб этишган. Бу эса келгусида қарз маблағларининг мақсадли ва стратегик йўналтирилиши инвестицион фаолликнинг ўсишига, ишлаб чиқариш қувватларининг кенгайишига хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. С.Э. Элмирзаев “Корпоратив молия” Дарслик/–Т: “Иқтисод-молия”, 2019.
2. Modigliani, F., & Miller, M. H. (1958). *The Cost of Capital, Corporation Finance and the Theory of Investment*. American Economic Review.
3. Brealey, R. A., Myers, S. C., & Allen, F. (2020). *Principles of Corporate Finance. 13th Edition*. McGraw-Hill Education. M. Dallochio *Corporate finance: theory and practice*. USA, Wiley, 2014 29 б.
4. Ричард А. Брејли, Стюарт С. Майерс ва Франклин Аллен — “Корпоратив молия” (англ. *Corporate Finance*)
5. Matthijs de Bruijn, Ilana Tyler-Rubinstein and Marton Perlaki, *Steward Redqueen 2024* у. “STUDY ON THE DEVELOPMENT EFFECTS OF DEBT FUNDS”
6. Мустақил изланишлар ва кимё саноати корхоналарининг маълумотлари